

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 171 (10.224)

2004 ЙИЛ 6 СЕНТЯБРЬ

## «УНИВЕРСИАДА-2004» СПОРТ ЎЙИНЛАРИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Азиз фарзандларим!

Мухтарам устоз-мураббийлар, ота-оналар ва спорт мухлислари!  
Сизларни гўзал ва бетакрор Самарқанд шаҳрида бошланаётган Ўзбекистон талаба ёшларининг спорт байрами - «Универсиада-2004» ўйинларининг тантанали очилиши билан самимий табриклайман.

Фарзандларимизни ҳар томонлама етув инсонлар этиб вояга етказишда бизга энг яқин кўмакчи ва ёрдамчи бўлган жисмоний тарбия ва спорт, айниқса, уч босқичдан иборат «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» мусобақаларининг ўрни ва аҳамияти беқийб.

Биз ана шу мусобақаларнинг фаол қатнашчиси бўлган сизлар каби минглаб шижоатли, жасур ва ўқтам ёшларимиз тимсолида аввало юртимизда спортни янада оммалаштириш, соғлом турмуш тарзини мустақамлаш, спорт орқали ирода, мардлик ва матонат фазилатларини камол топтиришга қаратилган интилишларимизнинг амалий ифодасини кўрамиз.

Халқимизнинг ақл-заковати ва салоҳиятини жаҳон майдонларида намойиш қилиб келаётган, жумладан, куни кеча Афинада бўлиб ўтган Олимпия ўйинларида юксак муваффақият қозонган ёшларимиз ҳам мана шундай мусобақаларда, таъбир жоиз бўлса, кичик олимпиадаларда тобланиб, маҳоратга эришаётгани барчамизни қувонтиради.

Бугун юртимизда ёш авлод камолоти, унинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги учун яратилган кенг имкониятлар ва уларнинг негизида кўлга киритилаётган ютуқлар истиқболимизнинг халқимиз, ёшларимиз олдида қандай қатта йўллар, янги уфқлар очиб бераётганини яна бир қарра тасдиқлайди.

Азиз ўғил-қизларим, бугун сизларнинг бахтиёр чехрангизга боқиб, галаба бўлган иштиёқ ва интилишингни кўриб, бўлажақ беллашувлар кескин курашлар остида кечинини, ҳаяжон ва қувончларга бой бўлишини ҳис этиш қийин эмас.

Мен «Универсиада» ўйинларининг халқимизга хос бўлган ҳалоллик, одиллик ва танглик руҳида ўтишига, муқаддас Самарқанд заминини сизларнинг ҳар бирингизга қуч-қувват беришига, шу тупроқда яшаб ўтган Амир Темур каби буюк зотларнинг руҳлари сизларни қўллаб-қувватлашига ишонманам.

Фурсатдан фойдаланиб, мусобақаларни ўтказиш учун замонавий иншоотлар бунёд этган кўли гул қурувчиларга «Универсиада-2004» ўйинларини юқори савияда ташкил этишга ҳисса қўшган инсонларга, бутун Самарқанд аҳлига чин қалбимдан миннатдорлик билдираман.

Сизларни бугунги спорт ва ёшлик байрами билан яна бир бор қутлар эканман, қадрдон жамоангиз, ўз олий ўқув юртингиз шарафини ҳимоя қилишида, истеъдод ва маҳоратингизни рўёбга чиқаришда барчангизга зафар ва омадлар ёр бўлишини тилайман.

Ислом КАРИМОВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси томонидан ўтказилган «Ибратли маҳалла оқсоқоли», «Энг тадбиркор маҳалла оқсоқоли» ва «Маҳалла жонқуари» номинациялари бўйича 2004 йилги республика кўриктанлови яқунланди.

**XXVI сақоси**  
Барча маблардақ олдинги сўнги хабарлар

## ГОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Танлов халқимизнинг миллий ва маънавий қадриятларини эъзозлаш ва тарғиб қилиш, энг яхши удум ва анъаналарни оммалаштириш мақсадида ўтказилди.

«Ибратли маҳалла оқсоқоли» номинацияси бўйича Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги «Чигатой-Оқтепа» маҳалласи оқсоқоли Хайрулла Мўминов биринчи ўринга, Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туманидаги «Дўстлик» маҳалласи оқсоқоли Бозор Ҳакимов иккинчи ўринга, Жиззах шаҳар Мирзо Уллубек номли маҳалла оқсоқоли Раҳмат Бозоров учинчи ўринга муносиб топилди.

«Энг тадбиркор маҳалла оқсоқоли» номинацияси бўйича Сурхондарё вилояти Узув туманидаги «Меҳнат» маҳалласи оқсоқоли Ўқтам Қаландаровга биринчи, Фарғона вилояти Данғара туманидаги Санам қишлоғи Тўлабой номли маҳалла оқсоқоли Абдусаммад Мўминовга иккинчи ва Хоразм вилояти Урганч шаҳар 32-маҳалла оқсоқоли Жумабой Мадаминовга учинчи ўрин насиб этди.

«Маҳалла жонқуари» номинацияси бўйича Фарғона вилояти Данғара туманидаги Найманча ширкат хўжалиги раҳбари Анваржон Мирсодиқов биринчи, Андижон вилояти Избоскан тумани Т.Мамажонов номли маҳалла фуқаролари ака-укалар - Максудали, Мирзаали, Адхамжон ва Ёрмуҳаммад Мамажоновлар иккинчи, Бухоро вилояти Олот тумани «Пахтакор» маҳалласи фуқароси Баходир Худойберганов учинчи ўринни эгаллади.

Танлов голибларига совинлар топширилди.

Т.БОТИРБЕКОВ,

ЎЗА мухбири.

## Мамлакатимизда

● Самарқанд шаҳрида Республика олий ўқув юртлири талабалари ўртасида ўтказилаётган «Универсиада-2004» мусобақалари кизгин паллага кирди. Кўпгина спорт турлари бўйича чорак ва ярим финал учрашувлари ўтказилди. Айниқса жамоавий спорт турлари бўйича ҳамшахрларимизнинг кўллари баланд келмоқда.

● «Roison Electronics» қўшма корхонаси янги махсулот турларини ўзлаштирди — 17, 20, 30 дюймلى LCD телевизорлари ҳамда 42 дюйм диагоналга эга плазма экранли телевизорлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

● Кеча Тошкент теннис марказида теннис бўйича аёллар ва эркеклар ўртасида мамлакатимизда учинчи бор ўтказилаётган Осиё чемпионатининг саралаш ўйинлари бошланди.

● Янги ўқув йиллидан Тошкентдаги Республика тиббиёт коллежи тўбдан қайта тазмирланиб фойдаланишга топширилди. Бу ерда талабаларнинг пухта билим олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

● «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ва ижроия қўмитаси томонидан «Энг намунали туман Кенгаши», «Энг намунали шаҳар Кенгаши» ва «Энг намунали бошланғич ташкилот» йўналишлари бўйича ўтказилган кўрик-танлов яқунланди.

● Қашқадарё вилояти, Яқкабоғ туманидаги «Шамшод» фермер хўжалиги аъзолари Ўзбекистон Мустақиллигининг 13 йиллиги байрами қўнралида пахта ҳосилини йилги-териш бўйича давлат буюртмасини 105 фоизга удалашди.

## Жаҳонда

● БМТ Хавфсизлик Кенгаши узоқ музокаралардан сўнг АҚШ тақлиф қилган резолюцияни қабул қилди. Унда Сурияга мурожаат қилиниб, Ливандан ўз қўшинларини олиб чиқиш ва Ливан мустақиллигини ҳурмат қилишга чақириқ ўз ифодасини топди.

● Шимолий Осетиянинг Беслан шаҳридаги мактабга террорчиларнинг бостириб кириши натижасида ҳалок бўлганлар сонини сўнги маълумотларга кўра 338 кишига етган ва уларни қўлиб эттиш ишлари бошланди. Ушбу қабиҳ ҳаракатни амалга оширганликда гумон билан уч киши қўлга олинди.

● Иккинчи тоифали «Фрэнсис» тўфони АҚШнинг Флорида штати қирқоқларга етиб келди. Шу муносабат билан кўп сонли аҳоли эвакуация қилинди. Шойилинч чоралар қўрилмоқда. Бу кейинги бир ой ичда Флоридага келган иккинчи тўфондир.

● Англиянинг шарқий қисмида Буюк Британия ҳарбий ҳаво қўчаларига қарашли самолётнинг ҳалокатга учраши натижасида икки экипаж аъзоси ҳаётдан қўз юмган, бир учувчи шифохонада даволанмоқда. Ҳозирда ҳалокат сабаблари ўрганилмоқда.

## Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ҚАРОРИ Сайлов қутиларининг намуналари тўғрисида

«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 5, 10-моддаларига асосан Марказий сайлов комиссияси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Совпластитал» қўшма корхонаси томонидан ишлаб чиқилган қатта (600x600x1000мм) ва кичик (600x600x500мм) ҳажмдаги шафтоф сайлов қутиларининг намуналари парламент сайловида фойдаланиш учун маъқул деб топилсин (сайлов қутиларининг тавсифи илова қилинади).
2. «Совпластитал» қўшма корхонаси (А.Мелкумов) белги-ланган намунадаги сайлов қутиларини зарур миқдорда тайёрласин.
3. Сайлов қутиларининг кўриниши ва ўлчамларига доир тегишли ахборот оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.
4. Мазкур қарорнинг бажарилишини таъминлаш Марказий сайлов комиссияси Раисининг ўринбосари С.Ходжаева зиммасига юклатилсин.

Марказий сайлов комиссиясининг Раиси  
Б.МУСТАФОЕВ

Тошкент шаҳри,  
2004 йил 28 август

## Сайлов қутиларининг тавсифи

Сайлов қутиси зарбага бардош берадиган полистиролдан цилиндр шаклида тайёрланиб, унинг баландлиги (қатта ҳажмдагиси) 1000 миллиметр ёки (кичик ҳажмдагиси) 500 миллиметрдан, диаметри эса 600 миллиметрдан иборат.


Сайлов қутиси олд томонида унинг ичи кўриниб туриши учун қалинлиги 2,5 миллиметрли органик шишадан ойнаванд қилиб тайёрланади. Ойна сайлов қутиси шаклига мос равишда эгилган тўғри тўртбурчакдан иборат бўлиб, қатта ҳажмдаги қути ойнанинг баландлиги 800 миллиметр, эни 600 миллиметрга, кичик ҳажмдагисининг баландлиги 400 миллиметр, эни 600 миллиметрга тенг. Ойнак атрофи металл билан ҳошияланган. Ойнак ўртасига унинг юқори металл ҳошиясидан 50 миллиметр пастда Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири туширилган.

Цилиндрнинг юқори гардишига сайлов қутиси қопқоғи ўрнатилади. Қопқоқ билан қути корпуси уч жойдан махсус сим ёрдамида сайлов комиссиясининг сургучли муҳри билан муҳрлаб қўйилади. Сайлов қутиси қопқоғи сайлов бюллетенлари ташлаш учун тирқишга эга бўлади.

Цилиндр асоси корпусга махсус елим билан маҳкамланади.

Сайлов қутиси оч жигар ранга бўялган.





**Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан**

• Нью-Йорк шаҳрида АҚШнинг республикачилар партияси ўзининг курултойини ўтказди. Тўрт кунлик курултой давомида республикачилар 2 ноябрга белгилаган Президентлик сайловиди қатнашиш учун Президент Жорж Буш номзодини расман тасдиқлашди. Курултой билан бир вақтда Манхеттен кўчалари бўйлаб кўп сонли намоийшчилар Жорж Буш сиёсатига қарши норозилик чиқишлари уюштиришди.

• Озарбойжон Президентини Фармонига кўра, шу йилдан эътиборан мамлакат мактабларида ўқув 15 сентябрдан бошланади. Ўқув йили бошланишининг кечиктирилиши мамлакатда ҳукм сураётган иқлим шароити билан боғлиқ. Яъни Озарбойжонда сентябрь бошларида ҳам ҳаво иссиқ бўлади. ИТАР-ТАСНнинг хабар беришича, айнан табиий иқлим сабабли Грузия мактабларида ҳам ўқув йилининг бошланиши 20 сентябрга белгиланган.

• Украина маъмурияти кеч соат 22 дан тонгги 6.00 гача шаҳарлараро ва халқаро йўналишдаги автобуслар қатновини мамлакатда вақтинча тасдиқлади. Транспорт ва алоқа вазирлиги матбуот хизмати маълум қилишича, бу тасдиқлов йўлларда автохалқатлар сонининг ортиб кетганлиги билан боғлиқ. Негаки ҳайдовчиларнинг нарчоғи айни шу муддатда ўз кучини кўрсатади. Тасдиқлов тахминан 1 октябргача амалда бўлади.

• Россияда ҳалокатга учраган Ту-154 ва Ту-134 йўловчи самолётлари теракт оқибатида ҳалокатга учраган. Бу ҳақда Россия Федерал кидирув бюроси вакили Андрей Фетисов маълум қилди. Энди ҳеч имкони йўқ ҳалокатга учраган самолётлардаги ҳужум уюштирилган дейиш мумкин. Чунки самолётдаги ахборотларни ўзида жамловчи «Қора кути»лардаги ёзувлар ҳам буни исботлади.

• Филиппинда ёғиб ўтган муссон ёмғирлари ва тўфонлари оқибатида ҳалок бўлганлар сон 32 кишига етган. Мамлакат Мудофаа кучлари маълумотларига кўра, Филиппин оролининг марказида юзга яқин аҳоли пунктлари сув остида қолиб, 1 миллиондан ортиқ филиппинликлар бошпанасиз қолишган. Табиий офат тўғрисида юзга келган моддий зарар 10 миллион доллар дея баҳоланмоқда.

• 1978 йили Япония пойтахти Токио шаҳрида баландлиги 240 метрли бино куриб битказилди. Эътиборга лойиқ жиҳати шуки, ушбу биного ўрнатилган лифтлар шу пайтга қадар дунёдаги энг ҳаракатчан одам ташувчи лифтлар сифатида эътироф этиб келинади. Машҳур «Митсубиси» компанияси томонидан ишлаб чиқарилган ушбу лифтларнинг ҳаракат тезлиги минутига 609,6 метр ёки соатига 36,56 километрни ташкил этади.

Имомлар фаолиятини янада жонлантириш, уларда ташаббускорлик, хозиржавоблик, фидойилик туйғуларини кучайтириш ҳамда диний-марифий тадбирлар самарадорлигини ошириш борасида ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар талайгина.

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар бош имом-хатиблари, барча диний билим юрлари мудирилари, Тошкент ислом олий маъҳади устозлари иштираётган Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида мазкур мураккаб ва долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Йиғилишда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси З.Хусниддинов муқаддас динимиз соғлигини сақлаш, ислом ниқоби остида фаолият юритаётган мутаассиб гуруҳ-

Ислом динининг жаҳиятдаги ўрни ва мавқеи ҳар жиҳатдан масжидлар ва имомлар фаолиятига боғлиқдир. Кишилар имомларга эргашиб, улардан ўрнак олади, масжидлардаги ахволга қараб дин ҳақида ҳулоса чиқаради. Президентимиз айтганларидек, имомлик мансаб, лавозим эмас, имомлик - буюк мартаба. Унга халқ эътирофи орқали эришилади.

**МУҚАДДАС ДИНИМИЗНИ АСРАЙЛИК**

ларга қарши кураш ва бу йўлда буюк алломаларимиз меросидан халқимиз, айниқса, ёшларни хабардор қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Экстремистик кучлар ўта маккор ва ёвуз усулларни қўллаётган, катта маблағлар эвазига ахборот хуружини кучайтираётган мураккаб даврда ёшларимизни ёвуз ғоялар таъсиридан ҳимоя қилишда уламоларнинг бурчи ва вазифаларига эътибор қаратилиб, бу борадаги вазиятга танқидий баҳо берилди.

Жаҳон динлари орасида энг ёш ва шу билан бирга эътиқод қилувчилар сони кундан кунга кўпайиб бораётган исломнинг ичида ўзаро ғоявий курашлар кечмоқда. Муқаддас динимиз мусавфоллигини асраш, уни оят ва ҳадисларга таянган ҳолда турли бузувчи тоифалардан ҳимоя қилиш уламолардан катта масъулият, фидойилик талаб қилади.

Шу ўринда мутаассиб оқимлар, террорчи ва кўпуровчи ҳаракатлар халқимиз асрлар давомида эътиқод қилиб ке-

лаётган ҳанафий мазҳаби таълимотига бутунлай ёт эканини аниқ мисол ва ишончли далиллар асосида ёритиш ҳаётини амалий аҳамият касб этаётгани қайд этилди.

Йиғилишда мавжуд таҳдидларнинг ғоявий асосларини очишда дин арбобларидан фаоллик ва курашчанлик талаб этилиши алоҳида таъкидланди. Зеро, юрт тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимиз, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги, бақилмас иродаси ва мустақкам имон-эътиқодига боғлиқдир.

Шунингдек, тадбирда фуқароларимизда Ватан истикболига дахлдорлик туйғусини камол топтириш, ёшларни маънавий жиҳатдан соғлом, мустақкам эътиқодли кишилар қилиб тарбиялашга қаратилган диний-маърифий тадбирларнинг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш вазифалари белгиланган олинди.

**МАМЛАКАТЛАР ВА ХАЛҚЛАРНИ БИРЛАШТИРУВЧИ БЎҒИН**

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов номига Ёзувчилар уюшмалари халқаро ҳамжамиятининг ижроия кўмитаси раиси, танқили рус шоири, драматурги ва жамоат арбоби Сергей Михалков мактуб йўллади:

Мактубда, жумладан, шундай дейилади: «Ёзувчилар уюшмалари халқаро ҳамжамияти (ЕУХХ) ўзининг 12 йиллик фаолияти давомида МДХ мамлакатларининг адабий ва маданий ҳаёти, шу жумладан, ўзбек адабиётига бағишланган 600 дан зиёд тадбир ўтказди. Қатагон қилинган ёзувчилар Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Қодирий ва Усмон Носир ижоди, Б.Пастернак шеърларининг Мирпўлат Мирзос томонидан ўзбек тилига таржимаси, Шарқшунослик институти ва М.Горький номидаги Жаҳон адабиёти институти ҳамкорлигида буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийга бағишлаб ўтказилган илмий анжуман муҳокамаси айниқса самарали бўлди.

Барча ижтимоий-сиёсий тузумларда халқлар ўртасидаги маънавий алоқалар мамлакатлар ва маданиятларни ўзаро бирлаштирувчи бўлин бўлиб қолмоғи даркор. Бинобарин, МДХ мамлакатлари билан Россия ўртасидаги маънавий алоқаларни амалга ошириш Ёзувчилар уюшмалари халқаро ҳамжамиятининг энг муҳим вазифаларидандир. Ушбу мақсадда ЕУХХ қошида миллий адабиётлар бўйича кенгашлар фаолияти қайта йўлга қўйилди. Улар орасида ўзбекистонлик ёзувчилар билан мустақкам ижодий алоқаларга эга россиялик ёзувчилар аъзо бўлган Ўзбек адабиёти кенгаши айниқса фаолдир. Мазкур Кенгаш саъй-ҳаракатлари билан Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси, Ўзбекистон қахрамони Тўлапберган Қайипбергановнинг «У дунёга, бобомга хатлар» киссаси рус тилига таржима қилиниб, чоп этилди. Киссанинг эълон қилиниши ва унинг Кенгаш йиғилишидаги муҳо-

камаси китобхонлар орасида ва ёзувчилар ҳамжамиятида қизгин баҳс-мунозаралар уйғотди. ЕУХХ ижроия кўмитаси ва Ўзбек адабиёти кенгаши қарорига биноан Т.Қайипберганов киссаси адабиёт ва санъат соҳасида М.А.Шолохов халқаро муқофотида тавсия қилинди ҳамда жорий йилнинг май ойида мазкур юксак муқофотга сазовор бўлди.

Мен Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида ҳукуматлараро муносабатларнинг ҳар томонлама ривожланиётганидан беҳад мамнунман. Шубҳасиз, бу авваламбор Россия ва Ўзбекистон президентларининг шахсий хизмати, уларнинг донишмандлиги ва узоқни кўра билиш қобилияти самарасидир.

Шунингдек, мактуб муаллифи «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг ташкил этилиши Ўзбекистон ва Россия халқлари ўртасидаги маънавий алоқаларни ривожлантиришда муҳим воқеа эканини қайд этади. ЕУХХ билан жамғарма ўртасида яқин ижодий алоқалар ўрнатилган. Сунги пайтларда Россияда Ўзбек маданияти ва адабиётига бағишланган барча тадбирлар «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳомийлигида ташкил этилмоқда.

«Ишончим комилки, яқинда икки мамлакат президентлари томонидан Тошкентда имзоланган Стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ЕУХХ билан Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси ўртасидаги ижодий ва дўстона алоқаларни янада мустақкамлаш учун муҳим асос бўлиб хизмат қилади», — дея ўз мактубини яқунлайди С.Михалков.

«Жаҳон» АА.

**ПОЙТАХТНИНГ БИР КҮНИ**  
Янгиликлар, воқеалар

**Кисса**

• **БУГУН** Бектемир туманидаги 289-мактабда «Она диёрим» мавзусида бўлиб ўтган тадбирда «Бектемир» маҳалласи фаоллари, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими, туман маданият бўлими вакиллари иштирок этишди.

• **СОБИР** Рахимов туманидаги «Ачаобод» маҳалла марказининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

• **ЮНСУБОД** туманидаги Жомий номи маҳаллада кам таъминланган оилаларга «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими ҳомийлигида моддий ёрдам кўрсатилди.

• **ЧИЛОНЗОР** туманидаги «Чўпон ота» маҳалласида жорий йилнинг март ойида Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятида содир этилган террорчилик ҳаракатларининг салбий оқибатлари ҳамда хавфсизлигини таъминлаш масалаларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

• **1-МУРУВВАТ** уйда Тошкент шаҳар

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош божқармаси ташаббуси билан тарбияланувчилар иштирокида Ватанпарварлик акцияси ўтказилди.

• **ТОШКЕНТ** шаҳар Соғлиқни сақлаш бош божқармаси ташаббуси билан 6-турруқхона қошида ёш оналар учун маслаҳатхона ташкил этилди.

• **ТАДБИРКОРЛАР** ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси Марказий Кенгаши ташаббуси билан «Қатагон қурбонлари» музейида янги экспозиция ташкил этилди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

(ЎЗА)

## Саломат

ТАРОНАГА  
АЙЛАНГАН  
ШЕЪРЛАР

Таниқли шоир Анвар Обиджон юрт куйчиси сифатида ҳам шеърят мухлисларига яхши таниш. Унинг Истиқлолимизни мадҳ этувчи шеърларининг аксарияти сеvimли кўшиқларга айланган.

Шоирнинг Ўзбекистон Мустақиллигининг 13 йиллигига бағишланган ёзган янги шеърлари ҳам мусиқага солиниб, мухлисларга тақдим этилди.

«Гулгун Ватан!» деб номланган шеър эса истеъдодли бастакор Анор Назаров илҳомига илҳом қўшди. Бу жозибадор тарона «Ўзбекистон кўшиқ байрами» концерт дастуридан ўрин олди.

«Халқим» деган шеър ҳам жозибадор кўшиққа айлиниб, тингловчиларга манзур бўлди.

Шуниси қувонарлики, ушбу тароналар энг яхши кўшиқлар янгли совринли ўринлар билан тақдирланди.

Акбар Йўлдошев  
РАСМЛАРДА  
ДИЁР МАДҲИ

Бугунги кунда Республика ўқувчилар саройида тасвир ва амалий санъат ижодий студиялари ҳам фаолият кўрсатмоқда. Моҳир санъаткор-педагог устозлар раҳбарлигида уюштирилган машғулотларда қатнашаётган хаваскор rassomлар томонидан қўлаб қизикarli ижод намуналари юзага келди.

Ана шу машқлар асосида катта кўргазма ташкил этилди. «Камолот» ёшлар ижтимоий харақати қўлаб-қувватлаши билан уюштирилган бу экспозиция «Тинчлик ва коинот» деб номланди.

Ўқувчи ёшларда қизиқиш уйғотган кўргазмада она юртимизни мадҳ этувчи расмларга ҳам кенг ўрин берилди. Ўзбекистон Мустақиллигининг 13 йиллигига бағишланган ушбу экспозиция кўчма кўргазма сифатида жойларда ҳам намойиш қилинади.

## Машина

ТЕХНИК НЕГИЗ  
ЯРАТИЛДИ

Мирзо Улуғбек туманида фаолият кўрсатаётган Санъат касб-хунаор коллежида металлургия ишлов бериш йўналишида бир неча устахона ишлаб турибди. Улар пармалаш дастгоҳлари билан жиҳозланган бўлиб, шу соҳа мосламаларини тайёрлаш имконини бермоқда.

Бу борада ортирилган бой тажрибалир коллежнинг ўзида ДАМАС автомобилнинг электрлаштирилган, ҳаракатланув моделини тайёрлаш учун техник негиз яратди. Ушбу модел Жанубий Кореядан оlib келинган ўқув кўргазмали қуролдан ҳеч бир қўлшмайди. Устига устак, бу янгилик Кореядаги худди шундай моделга нисбатан икки баравар кам маблаг сарфлаш билан амалга оширилди.

Янги ўқув йилида шундай замонавий моделлардан яна бири юзага келди. Шуниси муҳими, коллеж педагог муҳандислари бундай техник жараённи иқтидорли ўқувчилар билан амалга оширадilar. Улар асосан диплом лойиҳаси ишланмаси янгли амалиётга татбиқ қилинади.

Акбар АЛИЕВ

Ривожланишнинг барча жабҳаларига сармоя киритилишида банк тузилмаларининг ўрни алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу борада банклар ўз сармоялари, шунингдек, халқаро молия институтлари маблағлари билан фаол қатнашиб келмоқда. Бугунги кунда хорижий банкларнинг Ўзбекистондаги ваколатли банклари этиб Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Асака», «Пахта» банклари, «Сааноат-қурилиш» банки, «Ўзуйжойқурилиш» банки, «Приват-банк», «Ипак йўли» банки тайинланган.

2004 йилнинг биринчи ярмида ваколатли банклар томонидан шаҳар корхона ва ташкилотларига 5592,1 минг АҚШ доллари ва 1571,4 минг еврога тенг кредитлар ажратилди.

Бундан ташқари, Тошкент шаҳрида йирик халқаро молия институтларининг кредит кўринишидаги сармоялари бир неча лойиҳаларга жалб этилган. Жумладан, Германиянинг КФВ, «Дойче банк», «Коммерцбанк», «Банкгезельшафт Берлин АГ» каби молия тузилмалари капитали иштирокида 11,3 миллиард АҚШ долларига тенг 53 та инвестицион лойиҳа амалга оширилган, шу билан бирга айни пайтда умумий ҳажми 395,4 миллион АҚШ долларини ташкил этувчи 17 та лойиҳа татбиқ этилмоқда. Иккита кредит йўналиши Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва «Банкгезельшафт» ҳамда «Ўзқурилишбанк» ва «Коммерцбанк» томонидан технология ва асбоб-ускуналарни Германиядан экспорт қилиш бўйича очилган.

Тошкентда бугунги кунда Германия инвесторлари иштирокида 106 та корхона мавжуд бўлиб, шундан 74 таси ҳужайли фаолият билан шуғулланиди. Шу жумладан 53 тасини эса хорижий корхоналар ташкил этади. («Сименс», «Даймлер-Крайслер», «Тисен-Крупа», «БАСФ», «Люфтанза», «Алкател», «Ферросталь»).

Мамлакатимиз турли соҳаларини ривожлантиришда сармоялари билан иштирок этаётган давлатлар қаторида Япония алоҳида ўрин тутади. Бугунги кунда қунҷикар мамлақати томонидан Ўзбекистонга 1,9 миллиард АҚШ долларига тенг инвестиция киритилган бўлса, шундан 200 миллион АҚШ долларида кўли ижтимоий соҳаларни моддий-техник негизини мустаҳкамлашга йўналтирилган грант кўринишидаги сармоялардир.

Пойтахтдаги «Файз» холдинг компанияси, «Маск», «Мармакс», «Осие Чем», «Вита-полимер», «Корфирмасаноат», «Агрокерамика», «Висо», «Медитекс» каби қўшма ва «Бахт-Билор» хусусий корхоналарига ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, замонавий асбоб-ускуналар харид қилиш учун ЕТБнинг 42,5 миллион АҚШ долларига тенг кредит сармоялари ажратилган ва уларнинг асосий қисми ўзлаштирилган.

Хорижий кредит ва қисман грант сармоялар асосида Тошкентда амалга оширилаётган энг йирик лойиҳалардан бири, бу — қиймати 56 миллиард АҚШ долларига тенг пойтахтнинг санитария тизимини тақомиллаштиришга йўналтирилган инвестицион лойиҳадир. Жаҳон банки ва ЕТБ кредитлари иштирокидаги бу лойиҳа асосида Тошкентда чиқиндиларни тўплаш, олиб чиқиб кетиш босқичида алоҳида тизим яратилган бўлиб, бугунги кунда у тўлиқ татбиқ қилинмоқда. Сармоялар ҳисобига «Махсустрэнс» тузилмасининг моддий-техник негизи тубдан янгиланган, шаҳарда утча чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бекати ишга туширилди, хориждаги машиналар, техник асбоблар келтирилди.

Шунингдек, 36 миллион АҚШ долларига тенг тўғридан-тўғри сармоялар ҳисобига Тошкент аэропорти тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, ИКАО — Халқаро фуқаро авиация ташкилоти меъёрларига тўлиқ жавоб бериши туфайли махсус сертификатга сазовор бўлди.

Жорий йилда Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳрининг сув таъминоти тизимини тақомиллаштириш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида-ги қарори мавзусида 14,7 миллион АҚШ долларида иборат лойиҳа имзоланди ва шу қулларда «Сувос» трестини унитар корхонаси томонидан тегишли ташкили ишлар йўлга қўйилган, шу жумладан мавжуд ичимлик сувини тақсимлаш иншоотлари учун замонавий сув тортиқ мосламаларини четдан, ихтисослашган ишлаб чиқариш фирмалари биридан харид қилиш устида музокаралар кетмоқда.

Бундан ташқари, шаҳар коммунал тизимини ривожлантириш бўйича лойиҳани хорижий кредит маблағлари ҳисобига молиялаштириш хусусида шартнома тўзилиши арафасида.

Бугунги кунда Тошкентда хорижий сармоялар иштирокида 2381 та корхона (ХИИК) фаолият юритмоқда, шундан 18 фоизи — хорижий корхоналар, 40 фоизи — ишлаб чиқариш билан боғлиқ, 7,8 фоизига — экспорт, 7,7 фоизига — импорт тўғри келади. ХИИКларнинг Низом жамғармасида хорижий инвесторлар улуши 336,6 миллион АҚШ дол-



Ислоҳотлар оқишда

САРМОЯЛАР —  
РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ

Жорий йилнинг биринчи ярмида пойтахт иқтисодига 69,9 миллион АҚШ долларида тенг хорижий инвестициялар жалб этилди, бу эса ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2,2 баробар кўпдир. Шунга ҳам таъкидлаш лозимки, 2003 йилнинг январь—июнь ойларида умумий сармоялар ҳажмида хорижий инвестициялар улуши 20,8 фоизга тенг бўлган бўлса, ҳисобот даврида бу кўрсаткич 39 фоизни ташкил этди.



ларини ташкил этади. Ушбу корхоналар томонидан ўтган олти ой ичида 274.292,5 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган ва хизматлар кўрсатилган.

Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар тузиш дастурига асосан 2002-2004 йилларда энгил санъат ва қурилиш индустриясини ривожлантириш борасида Австрия билан «Дельта-инвест», Италия билан «Агрокерамика», «Пашал» (Германия) қўшма корхоналари ташкил этилди. ХИИКлар орасида етакчилик қилаётган ишлаб чиқариш корхоналари қаторига «Хобас-тапо» (полимер қувурлар), «Дойче-кабель АГ — Ташкент» (кабель маҳсулотлари), «ЎзБАТ», «Нефтваз» (нефть маҳсулотлари), «Фарм-Гласс» (тиббий-ёти препаратлари), «Я.Дем текстиль» (тўқимачилик маҳсулотлари), «Ўзқабултекстайл» қўшма корхоналари қиради. 2002 йилда фаолиятини бошлаган «Шайхонтоҳур-текстиль» ҚКнинг Низом жамғармаси 3,7 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, 2004 йилнинг олти ойи ичида 1,695 минг АҚШ долларида тенг тўқув-тиқув маҳсулотларини экспорт қилган. Британия билан ҳамкорликда тузилган «Бара-Альфа» корхонаси тиббий гигроскопик пахта ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб (Низом жамғармаси 1,1 миллион АҚШ долларида иборат), ҳисобот даврида 1,1 миллион долларга тенг маҳсулотни хорижга сотган. 2003 йилда ишга тушган «Ройсон-электроникс» Ўзбекистон — АҚШ қўшма корхонаси ўтган қисқа вақт ичида 1,1 миллиард сўмга тенг 10 минг донага яқин телевизор ва 72 минг дона кондиционер ишлаб чиқарган. Ўтган йилнинг иккинчи ярмида фойдаланишга топширилган «ТЭЗ-технопластик» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси (Низом жамғармаси 1,6 миллион АҚШ долларини ташкил қилади) пластик материал ва резинадан маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан шуғулланиди ва бугунги кунгача хариддорларга 378,1 миллион сўмлик маҳсулотлар етказиб берган.

Шаҳар дастурига кўра ўтган йили 12 та қўшма корхона ташкил этилган. Бундан ташқари, 2004 йилнинг январь—июнь ойларида Тошкент бўйича 138 та янги ХИИКлар қайди этилиб, уларнинг Низом жамғармаси 34,2 миллион АҚШ доллари ва 863,5 миллион сўмга тенг маблағлардан шаклланди. Жорий йилнинг ўтган даврида ХИИКлар томонидан 45,2 миллион АҚШ долларига тенг маҳсулот экспорт қилинди, бу эса ўтган даврга нисбатан ўсиш суръати 182,1 фоиз таъминлангандан далolat беради.

Шунингдек, шу йилнинг биринчи ярми йиллигида «Фарм-Гласс» қўшма корхонаси қуввати йилга 250 миллион дона ишлаб чиқариш ишлаб чиқаришга йўналтирилган завод ҳамда «Фулонг индустриал» ҚК томонидан йилга 10 тонна мақкажўҳори крахмали — янги маҳсулот тури чиқарилиши, «Мармакс» қўшма корхонасида эса темир йўллари учун мўлжалланган бетон шпалларни ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди. Ўзбекистон Мустақиллигининг 13 йиллиги олдида пойтахтда трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Сағбон-текстиль» ва «Шарқ модел» қўшма корхоналари ишга туширилди.

Тошкент шаҳрида инвестицион фаолиятни фаоллаштириш ҳамда тўғридан-тўғри сармоялар ҳажмини кенгайтириш максимида пойтахт маъмурияти томонидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилган ва амалий ишлар олиб борилмақда.

Таҳлилларга қараганда, сармоялар киритишда энг истиқболли соҳалардан қайта ишлаб чиқариш, яъни кишлоқ ҳужайлигининг барча тармоқларини ривожлантириш, шу жумладан пахта ва ипак толасини қайта ишлаб чиқариш ҳажминини кўпайтириш талаб этилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, тўқимачилик ва энгил санъатни ривожлантиришга, хусусан, шу соҳа корхоналарининг тўлиқ оёққа туриб олишига имконият беради. Шу билан бирга қайта ишлов бериш санъати ҳам, айниқса, металл прокати борасида устувор ҳисобланади. Бундан ташқари, туризм индустриясини ривожлантириш, туристик маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш инфратузилмасини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Шу ўринда эслаб ўтиш лозимки, бугунги кунда бу йўналишда Германия, Индонезия, Италия, Туркия билан ҳамкорлик ришталари амалий тус олган. Жумладан, «Шератон—Тошкент», «Интерконтиненталь—Тошкент», «Ле Меридиан—Тошкент отель палас», «Радиссон САС—Тошкент», «Шодлик—палас», «Гранд Мир», «Дедман Силк Род» мехмонхона мажмуалари маҳаллий ва қайд этилган давлатлар мутасаддислари билан биргаликда бошқарилмоқда.

Хорижий инвестицияларни жалб этиш дастурига мавзуси 2006 йилда яна 18 та корхона ташкил қилиш режалаштирилмоқда, чунки, улардан 11 таси тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга йўналтирилган бўлса, қолганлари ёғ-мой маҳсулотлари, кир ювиш ва санитария тозалаш воситалари, лифтлар, радиоаппаратуралар ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлади. Бу борада қўшимча 1,5 минг кишилик иш ўринларини очилади, ўрта ҳисобда 120,7 миллион АҚШ долларида тенг хорижий сармоялар киритилади. 2006 йилда, масалан, 2003 йил билан солиштирилган ҳолда ички ҳудудий маҳсулот ҳажми 1356,9 миллиард сўмдан 1438,3 миллиард сўмга кўпайиши, экспорт ҳажми — 1106,9 миллион АҚШ долларида тенг 1439 миллион АҚШ долларида тенг ўсиши кутилмоқда.

Шунингдек, айни пайтда хорижий инвестициялар иштирокида энгил санъатни ривожлантириш бўйича 10 йилга мўлжалланган дастур устида иш олиб борилмақда. Унга биноан йилга 47672 тонна пахта толасини ишлаб тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилган, шу жумладан 32613 тонна — трикотаж мато (105 миллион АҚШ долларида иборат хорижий сармоя жалб этилган ҳолда) ва 15059 тонна — тайёр маҳсулот (110 миллион АҚШ долларида тенг инвестиция киритилишини инобатга олинган ҳолда) чиқарилиши йўлга қўйилади. Ушбу йўналишда ҳозирги кунда шаҳарда мавжуд бўлган йирик корхоналарнинг бўшаб ётган ишлаб чиқариш майдонларидан самарали фойдаланиш юзасидан мониторинг олиб борилмақда.

Ильмира ЗАЙНУДИНОВА



Шарқ дурдоналари



● Уз нафсини деб бойлик кидиришдан қочиш натижаси роҳат, эл молидан таъма ипини узмиш натижаси муҳаббат, ўзгалар сирини билиб, айбини топаман дейишдан қўл ювиш натижаси юксак хулқдир.

● Тинч бўлай десанг нафсинг хоҳишига қарама-қарши иш қил.

● Саломатликнинг қадри кетгандан сўнг билинади.

● Бир табиб бир одамнинг олдида келиб:

— Мен сенга учта нарса олиб келдимки, улар сендан ўзга кишига арзаймайди! — деди.

— Улар нималар экан? — сўради улуғ киши.

— Табиб баён қилиб деди:

— Сочни бўяйдиган рангки, у билан сочингни бир бор бўясанг, умринг охиригача бошқа оқармайди. Иккинчиси, ҳазм дорисики, ундан исезмол қилсанг, ҳар қандай кўпол ва қаттиқ овқатни ҳам бир онда тилкалаб ташлайди: Учинчиси, шундай бир дорики, ундан истеъмол қилсанг йигитлик айёминг қайтиб келади!

Табиб сўзини тугатгач, улуғ киши унга қараб деди:

— Сен олиб келган соч бўёғи алдов моёси, мағрурлик нишониси, қариганда ёшларнинг қилигини қилиш одамга ярашмайди. Қари кишига оқарган соч ҳам зийнатдир. Мен оқсочларимни қора зулматга олишмайман.

Айтган ҳазм дорингга келсак, мен кўринган овқатни еяверадиган одамлардан эмасман. Еганда ҳам ошқозоним ҳазмига ожиз бўлмаганларини ейман, учинчи дорингга келсак, бундай дори хою ҳавасга берилган аҳмоқ одамларга керак.

Узининг савобли ишларини ташлаб қўйиб, кун бўйи хотинлар олдида хушомад уриб ўтирадиган киши бахтсиз кишидир.

● Келтиришларича, бир олим киши бир золимнинг уйига борди. Унинг мақсади ноҳақ зулмга учраган бир кишининг гуноҳини сўраб олиш эди. Золим қози у олимга:

— Қандай қилиб бу ерга қадам ранжида қилдилар? — деб сўради.

Олим бўлган воқеани унга айтди. Қози маҳбусни озод қилиш ҳақида бир нарса ёзмокчи бўлиб, қалам кидирган эди, олим унинг очилмаган қаламини олиб, пичоқчаси билан тарошлаб берди. Қози ёзиб бўлгач, олим ҳалиги тарошланган қаламини олиб, учини синдириб ташлади.

— Нега бундай қилдинг? — сўради қози.

Олим унга:

— Бу қалам билан зулм қилиш ҳақида бирор нарса ёзмагн деб кўрдим. Чунки ёзсанг, мен сенга қалам тарошлаб ёрдам берган бўламан! — деб жавоб берди.

Қозига олимнинг бу гапи қаттиқ таъсир қилди. У ўзининг ёмон ишларидан юз ўгириб, ўйлаб иш тутадиган бўлди. Қози олим ва фозил кишининг бир нафаслик суҳбатидан шунча шараф топди.

Буюк шоир Мирзо Бедил дегандай:

**Хар—ки шаъмаш зи  
илм дар гирад,  
То абад доғи марг  
напзирад....**

Яъни, «Илм шамидан нур олган кимса тоабод ўлим кўрмайди...» Демак, биз нурли йулга тушган халқ тараққиёт ва бахт оғушидамиз. Озод ва обод ўзбек юртимизни ёмон кўзлардан асрамоқ муқаддас бурчимиздир!

Бу пўрсилдоқ гаплар эмас, юрак нидоси.

**БЕБАҲО  
ФАРЗАНДЛАРИМ**

Баъзилар қариликда, бетоб кунларимга деб пул ва бойлик тўплайдилар, эҳтимол бу тўғридир. Хорижда, айниқса Америкада бу одат кенг тарқалган. Оғир кунларда тўпланган бойлик эмас, ўз фарзандларимиз қаддимиз бўклишига йўл қўйишмади. Инсон яхши фарзандлар тарбиялаган экан, кексаликда қанотлари бут ва қудратлидир. Мустақиллик байрами — келгуси асрларнинг ҳам нури ва озод байраמידир, авлодларимиз рўшнолигидир.

**МУТОЛА  
ХУСУСИДА**

Қадрдонларимдан масъул лавозимни эгаллаган икки арбобнинг оралари носоз эди. Бу носозлик хизмат жараёнида халқимиз ишига пугур етказмоғлиги мумкин бўлганини пайқаган бу камтар адиб ушбу қадрдонларига мумтоз адабиётдан «Калила ва Дим-

на» китобини ўқиб чиқиб, мағзини чақишларини илтимос қилди. Илтимос ерда қолмай улар ўша китобни топиб ўқидилар. Уқдилар десак ҳам хато бўлмас. Китобнинг қудратини қаранг-ки, орадаги носозлик тонгги тумандай

зорлар инсониятга кўмакчи... Аммо, Фарб қалам соҳибларидан баъзилари «телевизорда бадий адабиётни лўнда қилиб ўқиш мумкин, катта романларни ўқиб ўтириш даври тугади», демокдалар. Бу фикр тўғри эмас, компьютер-

мизда ҳам Ҳадисларда ҳам айтилган. Кимда ким «Медицина» сўзи мадори Синодан олинмаган деса хато қилади. Гиппократ қасами ва Ибн Сино китоби «Ал-Қонун» бир-бирларига Ҳамоҳанг. Инсонга пул ҳам керак, буни асло инкор этмаймиз, аммо «Гиппократ қасами», Ибн Сино «Ал-Қонун» ва ўз виждонига содиқлик керак. Тиббиёт кишилари улуғ инсонлардир, қахрамонлардир, дегим келади. Мен буни ўз кўзим билан кўрдим—даволовчи олим инсонлар Ватанимизда жуда кўп, уларга ҳам соғлиқ тилайман! Гиппократ қасами ҳеч қачон ёддан чиқмаслиги зарур азиз, дўстлар!

**КИТОБИЙ ХАЛҚ**

Ўзбеклар саҳройи эмас, азалий китобий халқдир. Афросиёб ёзувлари, қадимий «Авесто» бунга далил. Аммо биз асрлар бешиги эканлигимиз, ал-Хоразмий, ал-Бухорий, ал-Беруний эканлигимиз билан фахр этиб, юраверишимиз тўғри эмас. Навоий асарлари, Фафур Фулом замондошларининг сермазун китобларини ўқишимиз лозим. Улуғ номлар билан фахрланиш яхши, аммо китобни ўқиган кимса муродига етади. «Авесто» ёнди, «Ал-Қонун» ларни Чингизхон туйрада олиб кетди, «Зичи Кўрагонийлар», «Ўтган кунлар» тақиқланди, лекин китобий халқ ўлмади! Адабиёт — қилч ёлмас. Ўтда ёнмас, сувда чўкмасдир.

**МИРМУҲСИН,  
Ўзбекистон халқ ёзувчиси  
ЁМОН КЎЗДАН АСРАСИН  
(Манзумалар, қатралар)**

**Ўн уч йилдан  
ошди, биз ўз бахти-  
миз, ўз мустақилли-  
гимизни топдик. Ўз  
меҳнатимиз, ўз ку-  
рашимиз, ҳақгўйли-  
гимиз билан асрлар  
бўйи яшнаб-яшайди-  
ган мамлакат туз-  
дик.**



йўқолди. Асрий китоб ҳамон халқ хизматига. Навоий, Саъдий, Абдулқодир Бедилнинг бекиёс бўстонида бундай пурҳикмат китоблар кўп, уларни ўқиш ва ўқиш жуда зарур!

**РОМАНЛАР ЎҚИЛАДИ**

Чинакам тараққиёт вақтига етиб келдик. Аллоҳ берган тафаккур ила инсон нималарга қодир эканини кўрмоқдамиз. Ойга чиқиш, ядрони ўрганиш, компьютер, Интернет, телеви-

лар даврида ҳам инсон бугудой—нон истеъмол қилади, концентратларни эмас. Бальзакни, Абдулла Қодирий, Фафур Фуломни ўқийдилар, жадвалларни эмас.

**ГИППОКРАТ ҚАСАМИ**

Дўстлар! Гиппократ қасами унутилмасин, у инсонлар учун мўъжиза! Кимлигидан қатъи назар, инсонга беғараз тиббий ёрдам кўрсатмоқ Ислому дини-

Экология ҳозирги замоннинг кенг миқёсдаги кескин ижтимоий муаммоларидан биридир. Уни ҳал этиш барча халқларнинг манфаатларига мос бўлиб, ривожланишнинг ҳозирги кўни ва келажаги кўп жиҳатдан ана шу муаммони ҳал қилишга боғлиқдир.

*Межамкорлик*

**ТОМЧИСИ — ЗАРГА ТЕНГ**

Инсоннинг табиат кўйида ҳўжалик юритишидаги фаолияти атроф-муҳитга таъсир кўрсатади. Умуман, муаммо ер юзидини ҳамма бурчакларида ҳам долзарб. Фақат унинг кескинлик даражаси дунёнинг турли мамлакатларида ва минтақаларида турличадир. Ҳозирги кунда минтақанинг муаммоларидан яна бири сувнинг муҳтозазаси бўлиб, уни тежаш, ифлосланишининг олдини олиш талбирларини ишлаб чиқиш ва бажаришни таъминлаш барча инсонларнинг бурчларидир.

Сув — бу инсониятга табиат томонидан берилган бебаҳо неъмат ва бутун қурурай заминнинг табиий бойлигидир. Ер юзиде барча жонли зот, тирик организмлар сувсиз йшолмайди. Ўрта Осиё минтақасида иссиқ иқлим шароитида шу ерда яшовчи инсонлар учун сув жуда катта аҳамиятга эгадир. Шаҳримиз ҳудудидан 100 дан ортиқ турли каналлар оқиб ўтади, шулардан 11 таси йирик, 48 таси ўрта каналлар ҳисобланиб, уларнинг умумий узунлиги 240 километрни ташкил этади. Бу каналлар шаҳримиз иқлимни иссиқ кун-

ларда мўътадиллаштиришда катта аҳамиятга эгадир. Она шаҳримизнинг гуллар суҳрига айланганда, шаҳримизни кўкаламзорлаштиришда, дам олиш ва истироҳат боғларида суний сув ҳавзаларини тўлдиришда, ҳовлиларимизни ободонлаштиришда, салқинлик яратишда каналлар муҳим ўрин тутати. Бундан ташқари каналлар ҳўжалик юритишда ҳам катта аҳамиятга эгадир, яъни сувдан электр энергияси олиш манбаи сифатида ҳам фойдаланилади.

Тошкент шаҳрида биринчи водопровод қурилгунга қадар каналлар шаҳримизнинг энг асосий ичимлик суви олиш манбаи бўлиб хизмат қилган. Қадимда аҳоли бу сув ҳавзаларининг тозалигини қаттиқ назорат қилганлар, ифлосланишига йўл қўймаганлар. Ҳаттоки қишки мавсумга тайёргарлик кўрилганда бир неча кўчалар учун ҳовулардан сув олиш учун алоҳида оёқ кийим билан борилган. Сувнинг ҳар томчисини авайлаб, тежамкорлик билан ишлатилган. Водопровод қурувларини шаҳарда ишга тушириш билан ҳовуларга эҳтиёж қолмади. Ҳозирги кунда каналлардан ичим-

лик суви сифатида фойдаланилмайди. Шаҳарда ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, аҳолининг ўсиши, сув ҳавзаларига корхоналардан чиқаятган чиқиндиларнинг таъсири натижасида сувларнинг сифати руҳсат этилган меъёрдан анча паст даражададир, ҳаттоки ёзнинг жазирама кунларида ҳам бу каналлардан ҳеч қандай чанқовини босиш учун тавалкал қилиб сув ичмайди.

Шаҳримизни ичимлик суви билан таъминлайдиган ер ости канали, бу — Бўзсув каналидир. Шу каналнинг ер ости сув ҳавзалари Тошкент шаҳрининг 8 та водопровод станциясини сув билан таъминлайди, улар шаҳарнинг турли қисмларида жойлашган. Бўзсув, Қодирия, Қайрай, Сергели, Бектемир, Қорасув, Қўйлик ва жанубий станциялардир. Шулардан иккита станциягина ер устки сув ҳавзаси Бўзсувдан фойдаланади. Бизнинг хонадонларимизгача келгунча сув мураккаб муҳандислик иншоотларидан ўтиб келади. Шундай экан, ичимлик сувидан оқилонга, тежамкорлик билан фойдаланиш ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир.

**Мақсуд КОМИЛОВ**

*Анжуманлар*

**ХАЛҚАРО ФАҲРИЙ  
ДИПЛОМ**

Польшада ўтказилган ёш тадқиқотчиларнинг халқаро конференциясида кўёш энергияси муаммоларини масаласи кўриб чиқилди. Бу нуфузли анжуманда мамлакатимиздан ҳам вакиллар иштирок этишди.

Тошкент Давлат техника университети талабаси Павел Козлов эса илмий чиқиш қилиб, ўз салоҳиятини намоян этди.

Анжуманнинг «Илмий ҳисса» номинациясида қилинган бу маъруза конференция қатнашчиларида яхши таассурот қолдирди. Кўёш энергиясидан унумли фойдаланиш истиқболларига бағишланган ушбу тадқиқот жуда яхши баҳоланди. Бу самарали илмий муносиб тақдирланиб, иктидорли талабага «Нобел мукофоти сари илк қадам» номидаги халқаро фахрий диплом берилди.

Факультетда кўёш энергияси мавзусида яна қатор иктидорли талаба ёшлар диплом ишларини ёздилар.

**Анвар ВАЛИЕВ**

*Савғат*

**ЭЗГУЛИККА  
ДАЪВАТ**

Таниқли кинорежиссёр Мелис Абзалов томонидан суратга олинган бадий фильмлар ўзига хос экран талқинига эга. У яратган навбатдаги бадий фильм «Барибир ҳаёт гўзал» деб номланди.

Эзгуликка, яхшиликка, ораву-умидларга интилиб яшаш гоёси ўзининг бадий ифодасини толган маъзур экран асарии юртимиз Мустақиллигининг ўн уч йиллиги байрами арафасида экранларга чиқарилди.

Кинодраматург Рихсвий Мухаммаджонов сценарийси асосида суратга олинган маъзур ижод намунасидаги бош қахрамон образини ёш актёр Матёкув Матчонов яратди.

Янги комедия фильмида Равшан Солихов, Ботир Мухаммадхўжаев, Муқаддас Холиқова каби истеъдодли актёрлар ҳам қизикарли ролларни ижро этишди.

**Аҳмад ЙЎЛЧИЕВ**

**Шарҳловчи**

**наибари**

**НЕФТ  
КОНЛАРИНИ  
ҚИДИРИБ...**

Дунёдаги нефт захираларининг аксариятига эгаллик қилувчи Яқин Шарқ мамлакатларида юзага келадиган иқтисодий-сиёсий бекарорлик, нефт импорт қилувчи мамлакатларни «қора олтин»нинг янги манбаларини излашга мажбур қилмоқда. Шу сабабли иқтисодий ривожланаётган ва нефтга эҳтиёжи кундан-кун ортиб бораётган мамлакатлар Россия, Каспийбўйи, Марказий Осиё ва Африкага янги қазичи билан қарамоқда.

Маълумотларга қараганда, ўтган йили Россия кунлик нефт қазиб чиқариш ҳајмини 8,5 миллион баррелга етказган. Бу кўрсаткич билан Россия нефт қазиб чиқариш бўйича Саудия Арабистонидан кейин иккинчи ўринни эгаллаб турибди.

Россия азалдан дунёдаги энг йirik нефтчилардан саналади. Лекин бу мамлакатдаги захиралар Россия нефт бозорига узоқ вақт давомида етакчилик қила олмаслигидан далolat бермоқда. Маълумотларга қараганда, Россия худудидagi «қора олтин» ҳајми 70 миллиард баррелга тенг. Бу дунё бўйича еттинчи ўринда турувчи кўрсаткичдир.

Марказий Осиё ва Каспийбўйи мамлакатларидаги захиралар ҳам чексиз эмас. Хусусан, Озарбойжон заминидa 7 миллиард баррел нефт мавжуд.

Мутахассисларнинг фикрича, бу захиралар, аввало, Европа мамлакатлари учун муҳим. Негаки, бу ерлардан нефтни мавжуд қувурлар орқали «қўҳна қитъага» етказиш ҳам қулай, ҳам камҳарж. Африка мамлакатлари худудидagi конлар эса АКШ учун алоҳида аҳамият касб этиши мумкин.

Африка қитъасидagi нефт захираларининг ҳајми қанча экани ҳозирча аниқ эмас. Лекин тахминларга кўра, 2015 йилга бориб, АКШга етказилаётган «қора олтин»нинг 25 фоизи Африка мамлакатлари хиссасига тўғри келади.

Бундан ташқари, Америка қитъасининг ўзидagi конларни ўзлаштириш ҳам вазиятни ҳиддий ўзгатириши мумкин. Айни пайтда Шимолий Америкада, хусусан, Канада худудидa йўлга қўйилган усул — битум қумларидан нефт қазиб чиқариш катта суъратда ривожланиб бормоқда. Тўғри, ҳозирча бу усул ёрдамида қазиб олинаётган нефт анчайин кам (кунига 600 минг баррел). Лекин 2010 йилга бориб, бу кўрсаткич 2 миллион баррелни ташкил этади. Канада худудидa битум қумларда жойлашган захираларининг ҳајми 300 миллиард баррелни ташкил этади. Бу нефт захиралари бўйича дунёда биринчи ўринда турувчи Саудия Арабистонидан 100 миллиард баррел кўп деганидир. Канадининг захираларига Мексика ва Венесуэладаги конларни ҳам қўшсак, Америка қитъасидagi нефт захиралари 400 миллиард баррелга етади.

Тарвузнинг шифобахшлик хосиятини ҳаммамиз яхши биламиз. Уни севиб истеъмол қиламиз. Яна унинг қандай фойдали томонлари борлиги ҳусусида озгина сўз юритмоқчимиз.

**Шифобахш неъматлар**

**ТАРВУЗНИНГ ХОСИЯТЛАРИ**

Тарвузнинг водянка ва сариқ касаллиги билан оғриган беморларга фойдали катта. Ундан ўт ва сийдик ҳайловчи восита сифатида фойдаланилади.

Ҳатто унинг қуритилган пўчоғи ҳам фойдали экан, пўчоғидан тайёрланган дамлама йўғон ичакнинг яллиғланишини даволашда қўл келади. Одам кетридан ортиқча семирив кетганда оздиришга ёрдам беради. Шу билан бирга унинг яна хосиятли томони шуки парижохтирликни йўқотади. Тарвуз шарбати ўт пуфағи, буйрак ҳамда қовуқдаги майда тошларни организмдан ташқарига чиқариб ташлайди.

Тарвузда қанд фруктоза кўринишида бўлганлиги сабабли, уни диабет билан

оғриган беморлар истеъмол қилишлари мумкин. Юрак ҳамда буйрак касалликлари билан оғриган беморларнинг бадани шишганда ҳам фойдали.

Тарвуз уруғининг мағизлари гижжа ҳайловчи омил сифатида ҳам фойдалидир.

Тайёрлаш усули: 100 грамм қуритилган тарвуз пўчоғини ярим литр қайноқ сув билан дамлаб, совигунча қуритилди. Сўнгра дамлама шарбатидан ярим стакан миқдорда 4-5 маҳал ичилади. Бундай муолажа ўткир ва сурункали йўғон ичак яллиғланишида ҳам фойдали.

Чўлпоной МЕЛИҚЎЗИЕВА тайёрлади

**Мағбурлар**

**САХОВАТ  
КЎРСАТИЛДИ**

Мустақиллик — азиз неъмат. Унинг қадрига етиш, асрашга барчамиз масъулимиз. Ҳар йили бўлганидек, бу йил ҳам мустақиллигимизнинг 13 йиллиги шодиёналарига шахримизнинг ҳар бир гўшасида, маҳалларда байрам тадбирлари кенг нишонланмоқда.

Шундай тадбирлардан бири кунга кеча Акмал Икромов туманидаги Абдулҳай Тожиев номи маҳаллада ҳам бўлиб ўтди. Унда маҳалла оқсоқоллари, фаоллари билан бирга, маҳалла аҳолиси байрам дастурхони атрофида йиғилдилар. Шунингдек тадбирда маҳалладаги кам таъминланган оилалар, қаровсиз ва етим болалар учун туман «Маҳалла» жамғармаси томонидан маблағ ажратилиб, янги ўқув йили олдидан болаларга ўқув қуроллари ва кийим-кечаклар совға сифатида топширилди.

Нозимахон Усмонова, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети талабаси

**ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР**

**Давлат мүлки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги «ROYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси 2004 йилнинг 7,10,14,17,21,24,28 сентябрь ва 1,5,8,12,15,19,22,26,29 октябрь кунлари аукцион савдоларини ўтказди.**

**Аукцион савдоларига қўйидаги объектлар қўйилади:**

- Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Олмачи кўчасида жойлашган, ободонлаштириш ишлари учун мўлжалланган, майдони 0,018 га. ер участкасининг фойдаланиш ҳуқуқи. Бошланғич нархи 1 801 800 сўм;
- Автотранспорт воситалари:
- Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига қарашли Солиқ коллежанинг 1984 йилда и/ч, д/б 10AI 473 бўлган ГАЗ-24 русумли. Бошланғич нархи 343 843 сўм;
- «Тошинвесткурилишбулталаш» унитар корхонасининг 1988 йилда и/ч, д/б 10AI 382 бўлган КАВЗ-3270 русумли. Бошланғич нархи 1 230 000 сўм;
- 1982 йилда и/ч д/б 10AI 385 бўлган ГАЗ-53A русумли. Бошланғич нархи 874 000 сўм;
- Тошкент шаҳар тиббий меҳнат экспертиза хизматининг 1990 йилда и/ч, д/б 03-29 ТНГ бўлган, ВАЗ-2121 русумли. Бошланғич нархи 541 000 сўм;
- Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги қишлоқ ҳўжалик экинлари навларини синаш давлат комиссиясининг 1980 йилда и/ч, д/б 10 АН 339 бўлган ГАЗ-24 русумли. Бошланғич нархи 500 000 сўм;
- Тошкент шаҳри, Амир Темури кўчаси, 101-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкнинг:
- 1995 йилда и/ч, д/б 10AW 140 бўлган УАЗ 31514-10 русумли. Бошланғич нархи 380 159 сўм;
- 1993 йилда и/ч, д/б 10AR 021 бўлган «Эсперо 2000» русумли. Бошланғич нархи 2 625 000 сўм;
- Тошкент шаҳри, Буюк Ипак Йўли кўчаси 243-уйда жойлашган Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси автоҳўжалигининг:
- 1990 йилда и/ч, д/б 10AQ 268 бўлган, УАЗ-31512 русумли. Бошланғич нархи 559 482 сўм;
- 1992 йилда и/ч, д/б 41-48ТШП бўлган, ГАЗ-330700 русумли. Бошланғич нархи 710 870 сўм;
- 1990 йилда и/ч, д/б 10AQ 269 бўлган, УАЗ-31512 русумли. Бошланғич нархи 559 482 сўм;
- 1988 йилда и/ч, д/б 02-00ТШБ бўлган, ГАЗ-2410 русумли. Бошланғич нархи 535 616 сўм;
- Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Ж.Останова кўчаси, 21-уйда жойлашган «ВИЗА» МЧЖга қарашли умумий майдони 485,75 кв.м бўлган қозонхона. Бошланғич нархи 31 730 000 сўм;
- Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Бинокор кўрғони, Шолокор (Центральная) кўчаси, 120-уйда жойлашган «Мурод-Меҳри» МЧЖнинг умумий майдони 119 кв.м бўлган савдо дўкони ва умумий майдони 285 кв.м бўлган ўтча бостирма. Бошланғич нархи 10 200 000 сўм;

Объект маълумоти	Бошланғич баёлиқ (сўм)	Автоматик равишдаги тур	Мобилкор ва Давлат корхоналари қисқартирилган, унга ҳар бири 0,05га дин	Савдо на нишонли қилиб қўрилган мақсадда
Акмал Иброҳим тумани				
Ўттири кўчасида 0,04га	4 977 900	Савдо уюми	4 215 000	Савдо на нишонли қилиб қўрилган мақсадда
Шарни кўчаси 24-маҳалла 0,026га	2 332 920		6 089 800	
Шарни кўчаси 24-маҳалла 0,04га	3 453 520		Савдо уюми	
Шарни кўчаси 24-маҳалла 0,034га	2 311 180		Савдо уюми	
Шарни кўчаси 24-маҳалла 0,030га	2 857 520		Савдо уюми	
Шарни кўчаси 24-маҳалла 2 га ҳар бири 0,017га дин	3 057 600		Савдо уюми	
А. Габдулқадир кўчасида турта ҳар бири 0,01га дин	2 528 320	Савдо воситаси	Савдо воситаси	
Мирзо Улугбек тумани				
А. Абдулқадир кўчасида 0,025га	5 472 675	Дўкан	Савдо воситаси	
Миробод тумани				
Топиқожа кўчасида 0,02га	2 251 600	Минибўриқ	Савдо воситаси	
У. Одинаев кўчасида 0,04га	3 599 200	Савдо ва нишонли қилиб қўрилган мақсадда	Савдо воситаси	
Бектемир кўчасида 0,04га	3 891 000	Кўчалар	Савдо воситаси	
Қўлқас 2-маҳалла 0,02га	3 432 900	Кўчалар	Савдо воситаси	
Юнusbўй тумани				
Юнusbўй дегизи 19-маҳ. В. Высоцкий кўчасида 0,04га	5 790 800	Савдо уюми	Савдо воситаси	
Юнusbўй дегизи 18-маҳ. В. Высоцкий кўчасида бешта ҳар бири 0,05га дин	4 837 800	Савдо на нишонли қилиб қўрилган мақсадда	Савдо воситаси	
Чимкент кўча дағида 0,04га	1 921 540	Атраси на қозон	Савдо воситаси	
Юнusbўй дегизи 15-маҳ. Т. Жомилова кўчасида 0,05га	3 984 130	Савдо на нишонли қилиб қўрилган мақсадда	Савдо воситаси	
Мовароуннахр тумани				
Мовароуннахр ва Тилқалин кўчасида жисмониди 0,03га	2 506 430	Дўкан	Савдо воситаси	

Ер участкаларини узоқ муддатли ижарга олиш ҳўқуқининг бошланғич нархларига ер участкасининг лойиҳалаш учун керакли дастлабки ҳужжатлари тўлғамини тайёрлаш харажатлари қўшилган. Ҳўжжатлар тўлғамига қўйидагилар кирди:

1. Ер участкасининг чегараси.
  2. Меъморий-лойиҳа вазифалари АПЗ-1, АПЗ- II.
  3. Топографик съёмка, масштаб 1:500.
  4. Мухандислик- геологик ҳулоса.
  5. Шаҳарсозлик талаблари ва қуриладиган бино эскизи.
- Аукцион савдоларида катнашиш учун аризалар қабул қилиш ер участкаларига савдодан бир кун аввал соат 18-00да, қолган объектларга савдодан бир соат аввал тўхташилади. Савдодан соат 11-00 да бошланади.
- Савдода катнашиш истагини билдирган талабгорлар ер участкалари учун бошланғич нархдан 5% миқдорда, қолган объектлар учун бошланғич нархдан 10% миқдордаги закалат пулини «ROYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонасининг «Ўзйўлжамғармабанк» Тошкент шаҳар бўлимидаги ФА 00425, СТПР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар.
- Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннахр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади. Телефонлар: 133-23-40; 133-02-49.

**«ROYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси 2004 йилнинг**

20 август куни ўтказилган аукцион савдоларида:

- Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Пилла кўчасида, яқна тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган, майдони 0,01 га бўлган ер участкасининг эгаллик ҳўқуқи, 280 000 сўмга;
- Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкнинг қўйидаги автотранспорт воситалари:
- д/б 10AR 027 бўлган ВАЗ-21213 русумли автотранспорт воситаси, 2 450 000 сўмга;
- д/б 10AR 039, 10AR 034, 10AR 033 бўлган УАЗ-31514-10 русумли автотранспорт воситалари, ҳар бири 1 450 000 сўмдан сотилганлигини маълум қилади.

**Спорт**

**ПОЙТАХТ ЖАМОАЛАРИ — ФИНАЛДА**

Ўзбекистон Кубоги ярим финалининг жавоб учрашувлари ҳам пойтахт жамоалари учун муваффақиятли аяқланди.

Мутахассислару мухлислар Фарғонада ўтадиган «Нефтчи» — «Пахтакор» баҳси шиддатли тарзда кечадди, деяр тахмин қилишганди. Сабаби, Тошкентдаги биринчи учрашуда тошкентликлар 1:0 ҳисобида аранг галаба қозонишганди. Аммо, тан олиш жоиз, тажриба, маҳорат бобида ҳозирча мамлакатимизда энг кучли жамоа ҳисобланаётган «Пахтакор» меҳмонда ҳам ҳужумкор, комбинацион ўйин намойиш қилди. Мезбонлар дарвозаси томон уюштирилаётган кетма-кет хавфли вазиятлар биринчи бўлимининг 44-дақиқасидек самара берди. Гочулиев томонидан дарвозанинг аниқ нишонга олиниши «Пахтакор»ни ҳисобда олдинга олиб чиқди.

Иккинчи бўлимини ҳам ҳужумкор рўҳда давом эттирган пахтакорчиларнинг ҳаракатлари зое кетмади. Шишеловнинг аниқ зарбаси яна гол билан аяқланди. Шундан сўнг орадаги фарқни қисқартириш ниятида мезбонлар ҳам олдинга интила бошлашди. Фақатгина 78-дақиқага келиб Коваленко «Пахтакор» дарвозасига гол кирита олди. Қизилқар ва муро-сасиз кечган беллашув тошкентликларнинг 2:1 ҳисобидаги галабаси билан аяқланди.

«Трактор» — «Машъал» ўртасидаги Ўзбекистон Кубогининг иккинчи ярим финал учрашуви тошкентликларнинг тўлиқ устунликлари остида ўтди. Аммо биринчи голни кўриш учун мухлислар 52 дақиқа кутишларига тўғри келди. Мўминжонов томонидан «Машъал» дарвозаси шгол қилинган ҳам тракторчилар ҳужумни бўшаштиришмади. Шуниси қизиқки, иккинчи гол учрашунинг 90-дақиқасидан кейин ҳакам томонидан қўшиб берилган вақтда Соломин томонидан киритилди.

Ярим финал беллашувларида қайд этилган натижаларга кўра финалга йўланма олган пойтахтнинг икки жамоаси «Пахтакор» ва «Трактор» 1 октябрда биллур соврин учун кураш олиб боришади.

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари таҳририяти «Тошкент оқшоми» газетасининг шарҳловчиси Шахло Хошимовга отаси

**Тилаб ХОШИМОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туман худудий тиббиёт бўлишмаси ва 7-сон стоматология поликлиникасининг жамоаси фахрий тиббиёт ходими

**Мирпўлатхожи МИРСОАТОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Хонадонимизнинг саришта бекаси, фарзандларга меҳрибон она, садокатли ёр бўлмиш мунис аёллар ҳар қадамда эъзозга, эътиборга лойиқ. Аёллар нафақат она, бека, ёр, шунингдек, жамиятнинг энг илғор аъзолари ҳам саналади. Уларнинг ҳуқуқлари ишда, ўқишда, оилада қонунан ҳимоя қилинади.

**Тадбирлар**

**АЁЛ ЎЗ ҲУҚУҚИНИ БИЛАДИМИ?**

Ҳўш, ҳозирда хотин-қизларимиз ўз ҳуқуқларини қай даражада яхши билишади? Улар кўпчилик ҳолларда ўз дардларини фақат юраги тубига беркийтиб, ҳаёт қувончларидан узилиб қолишмайтмикин? Бу саволларга жавоб олиш мақсадида Ўзбекистон Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — либерал-демократик партиясининг Тошкент шаҳар кенгаши «Аёллар қаноти» томонидан «Аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» мавзусида амалий мулоқот бўлиб ўтди.

Мулоқотда сўзга чиққан Ўзбекистон Рес-

публикаси Ички ишлар вазирлиги масъул ходими милиция подполковниги Жўраҳон Қаюмова, Ўзбекистон Ҳуқуқшунос аёллар уюшмаси раиси Мунира Самарҳужаева, «Аёллар қаноти» етакчилари, фаол аёллар, тумандаги «Оила маркази» раҳбарларига оиланинг турмуш даражаси, хотин-қизлар ва уларга нисбатан содир этилаётган ҳуқуқбузурлик, жиноятларни олдини олиш ишлари, аёлларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишлари учун биринчи гада нималарга эътибор беришлари тўғрисида атрофлича тушунтириб ўтилди.

— Мулоқотни ташкил этишдан асосий мақсад, аёлларимиз ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида қаерга, кимга мурожаат этишлари лозимлиги тўғрисида уларга кўрсатмалар бериш, — деди жумладан Ҳуқуқшунос аёллар уюшмаси раиси Мунира Самарҳужаева. — Халқимизда «Оиланг тинч — сен тинч». «Бир кун жанжал бўлган уйдан қирқ кун барак кетар», деган доно нақллар бор. Аёл ўзини қачон бахтли ҳис қилади? Қачон уйга хурсанд қайтади? Бу саволларга эса жавоб битта. Қачонки, турмуш ўртоғи эътиборини ҳис қилган, ундан меҳр қўгани аёлгина бахтлидир.

Тадбирда шунингдек, аёлларнинг тадбиркорлик фаолиятлари, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Иш-тироқчилар бу ҳақда ўзлари қизиқтирган саволлар билан мутахассисларга мурожаат этиб, батафсил жавоблар олишди.

**Орзуғул РУСТАМОВА.**

**Табиаат ажойиботлари**

**ЎЛЖАСИГА АЛБАТТА ЕТИБ ОЛАДИ**

Марказий Осиёнинг жазирара мўллариди, жумладан юртимизда ҳам хиолома зотиға мансуб кана яшайди. Ана шу бўғимоеқли жониворда биологик радиоалоқа қиладиган аъзолар борлиги аниқланган. Олимларнинг кузатишларича, бундай каналар ўз ўлжасини қўтиб турмасдан фаол равишда уни излар экан.

Учраб қолган одамнинг кетидан қолмасдан югурар, ҳатто ҳар хил тўсиқлар ортига беркиниб олганда ҳам ўз ўлжасини топар экан. Лекин қизиғи шундаки, автомашина ичига кириб олган одамни йўқотиб қўяркан. Бордию у киши машина деразасидан бошини чиқарса, шу заҳотиёк кана у томон югуриб бораркан. Шунга кўра каналар инсон бош миясидан тарқаладиган нурларни сезиш қобилиятига эга, деган тахмин қилинмоқда.

Мутахассисларнинг айтишича, мазкур турға мансуб барча каналарнинг олдинги оёқ бармоқларида галлер деб аталувчи аъзоси бўлиб, у чуқурча шаклидадир. Бу аъзонинг тағида бир неча ўсимталар жойлашган.

Хиолома тепаликка чиққан, олдинги оёқларини юқорига кўтариб радиолокатор каби ҳаракатга келтиради. Агарда кананинг оёғи кесиб ташланса, у ушбу хусусиятини йўқотади. Лекин олдинги оёғи олин қолган тақдирда ўз ўлжасини беамалол излаши мумкин. Бундай галлати ҳодиса сабаби хали узил-кесил аниқланмаган бўлсада, бўғимоеқлилар инсон миясидан тарқаладиган қандайдир нурларни қабул қилиш қобилиятига эга эканлиги аён бўлди.

**ГАРОЙИБ ҚУРБАҚАЛАР**

Америкада тарқалган куракоёқ қурбақасининг биологик хусусияти қизиқ экан. У ўз тухумини тез қуриб қоладиган қўлмақ сувларга қўяди. Қурбақа тухумидан икки хил итбалиқлар чиқади. Биринчи хил итбалиқлар одатдагидек ўта майда бўлиб,

умуртқалилар ёки ўсимлик барглари билан озикланади. Иккинчи хил итбалиқлар эса анчагина йироқроқ бўлиб, ўзларининг туғишган ака-укаларини ейиш билан кун кечиради.

Бир қарашда тажжубланарли бўлиб кўринган бундай ҳодиса айна тур учун умуман фойдали экан. Гап шундаки, яшаш шароити яхши бўлган пайтлари биринчи гуруҳга мансуб итбалиқлар ривожланиб, тараққиёт даврини аяқулайди, сони кўпаяди. Бордию қўлмақ сувда озуқа етарли бўлмаса унда барча жониворлар қирилиб кетади.

Ўз туғишганлари билан озукланадиган иккинчи гуруҳ итбалиқлар эса омон қолади. Австралиянинг Квинсленд штати зоологлари ҳам ажойиб бир қурбақани топишибди. Қизиги шундаки, унинг урғочиси ўз тухумини сувда эмас, балки ошқозонда сақлар ва кирк кундан сўнг тирик итбалиқни оғзидан чиқариб ташлар экан. Бу муддат давомида қурбақа умуман озикланмайди.

**ТАЖРИБАДА КЎРИНАДИ**

Чаёнларнинг ўзини ўзи ўлдириши ҳақида жуда кўп эшитганмиз. Одатда бундай ҳодисани асослаб бериш учун қуйидагича тажриба ўтказиш мумкин.

Ёниб турган кўмир чўғини айлана шаклида териб чиқилади ва унинг ўртасига чаён қўйиб юборилади. Оташ халқасидан чиқиб кетишга бир неча бор муваффақиятсиз уринишлардан сўнг жон талвасасига тушган чаён дум учиди заҳарли найзасини ўз баданига санчиб ҳалок бўлар эмиш. Лекин шу нарса аниқки, чаённинг заҳарли ниши унинг устидаги косасини тешиб ўтолмайди. Бу нарса тажрибаларда аниқланган. Бундан ташқари барча заҳарли хайвонлар сингари чаёнларда ҳам ўз заҳарига қарши иммунитет мавжудлиги аниқланган. Аслини олганда чаён оташ халқасига тушган аланд таъсиридан ҳалок бўлади.

**Яхё ДАВЛАТОВ,** биология фанлари доктори

**Табассум**

**ТИНИМСИЗ САЙРАЙДИ**

Беданабоз киши дўстига мақтанди:

— Ўтган ҳафта қирдан иккита бедана тутиб келдим, сайрашини эшитсанг, оғзинг очилиб қолади.

— Зўр сайрайдими?

— Бунақаси жуда кам бўлади.

— Кунига қанча вақт сайрайди?

— Эрта тонгда бетўхтов уч соат атрофида хониш қилади. Хўп десанг биттасини сенга бераман.

— Керак эмас!

— Нега?

— Битта уйга битта сайроқи етиб ортади.

— Умрингда бедана боқмагансан-ку!

— Кичик келиним эрта тонгдан кечгача сайрайди.

**НИЯТИНГНИ ЯХШИ ҚИЛ...**

Ўзаро суҳбатлашиб ўтирган икки қўшни аёлдан бири «ҳасрат дафтари»ни очди:

— Эрим фирмага бошлиқ бўлиб даромади ошгандан кейин, юриш-туриши ўзгариб қолди. Ўзига зеб берадиган, ичадиган, уйга кеч келадиган одат чиқарди. Менимча, ёшгина аёл билан дон олишиб юрибди.

— Қўлингда бирорта далилинг борми?

— Далилим бўлганда шаллақининг сочларини битталаб юлиб келардим. Ишдан келганда кийимларидан франсуз духсининг ҳиди келади.

— Бу ҳид транспортда ёнма-ён турган аёлдан ҳам ўтиши мумкин-ку

— Нималар деяпсан, шахсий машинаси турганда транспортга чиқармиди? Мана, соат тунги 10 бўлди, ундан ҳамон дарак йўқ, қаердадир айш-ишрат қилиб ўтиргани аниқ.

— Ниятингни яхши қил,

ўртоқжон. Балки, бирор шифохонанинг реанимация бўлимида инфаркт бўлиб, тилдан қолиб ётгандир.

**МУЛЗАМ БЎЛДИ**

Трамвайда ногаҳон тошкентлик Қаюм аския билан учрашиб, у ёқ, бу ёқдан гаплашиб кетаётган вақтимизда, навбатдаги бекатдан беш-олтита папка кўтарган тадабалар шовқин-сурон билан чиқиди. Улар йўл давомида атрофдагиларга мутлақо аҳамият бермай оғзига келган маза-бемаза гапларни гапирар ва бўлар-бўлмас гапларга ҳам «ха-хо»лаб кулишар эди. Фаши келган Қаюм ака уларга икки-уч қараб қўйди. Катта ҳовуз бекатида тушиш учун ўрнидан турган Қаюм ака ўтиш йўлини хотиржам тўсиб турган йигитчалардан бирига мурожаат қилди:

— Ўтиб кетай.

— Ия, далажон, бемалол ўтирган эдингиз, тушадиган бўлиб қолдингизми?

Қаюм аканинг жавоби тилининг учиди турган экан:

— Ўғлим, мени дада деяпсан, башаранг ҳам жуда таниш, кўзимга иссиқ кўринаяпсан, қайси хотинимнинг фарзандисан?

Атрофдаги гала-говур қилаётган шерикларининг унлари ўчди. Йигитчанинг ранги оқарди, лаблари пирпиради, лекин бошига гурзидек урилган бу таънадан оғиз очишга мадори келмади. Шуни айтсалар керак-да, «Сўзланганда сўзламанган яхшироқ, сўзлаб эдим, бошимга тегди таёқ», деб. Манзилларига етгунча йигитчаларнинг ҳеч биридан худди мум тишлагандек садо чиқмади.

**Убайдулла АБДУЛЛАЕВ**



**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**  
Манзиллими: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
хатлар — 133-29-70;  
эълонлар: 133-28-95, 136-57-65;  
факс: (3712) 133-21-56.  
Ҳажми — 2 босма тибқ офсет усунди босилади.  
3764 нускада босилди. Қўғоз биними А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.  
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жуми кунлари чиқади.  
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамини»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.  
Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.  
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.